

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Ўлжаева Шоҳиста Мамажоновна,
тарих фанлари доктори, профессор

For citation: Shokhista M. Uljaeva. Entrepreneurship development in Amir Temur state. Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 11, pp. 13-23.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-11-2>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амир Темур салтанатида тадбиркорликнинг ривожланиши мавзуси очиб берилган. Салтанатда тадбиркорликни ривожлантириш учун махсус дастур ишлаб чиқилган. Жамиятнинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг муҳим йўналиши эди. Жамиятнинг кам даромадли кишилари қишлоқ хўжалиги, ички ва ташқи савдо соҳасида тадбиркорлик фаолиятига йўналтирилган. Натижада империяда фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшиланган, қишлоқ ва шаҳарларда жамиятнинг янги тадбиркор қатламлари шаклланган. Улар давлатнинг савдо-иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнаган. Ушбу муаммони келажакда атрофлича ўрганиш керак, у замонавий ислоҳот босқичида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: Амир Темур, салтанат, тадбиркорлик, ижтимоий ҳимоя, савдо.

РАЗВИТИЕ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В ИМПЕРИИ АМИРА ТЕМУРА

Улжаева Шоҳиста Мамажановна,
доктор исторических наук, профессор

АННОТАЦИЯ

На этой статье рассматривается развитие предпринимательской деятельности в империи Амира Темура. В империи разработана специальная программа для развития предпринимательства. Социальная защита не обеспеченных слоев общества была важным курсом государственного управления. Малообеспеченные слои общества направлены на предпринимательской деятельности в сфере сельского хозяйства, внутренней и внешней торговли. В результате ведение государственной программы для улучшения жизненных условий граждан в империи формируются новые предпринимательские слои общества в сельских местностях и городах. Они сыграли важную роль в торгово-экономической развитии империи. Мы должны тщательно изучить данную тематику в будущем, она имеет научно-практическую значимость на современном этапе реформ.

Ключевые слова: Амир Темура, империя, предпринимательство, социальная защита, торговля.

ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT IN AMIR TEMUR STATE

Shokhista M.Uljaeva,
doctor of historical sciences, professor

ANNOTATION

This article discusses the development of entrepreneurship in the empire of Amir Temur. The empire has developed a special program for the development of entrepreneurship. Social protection of the disadvantaged sections of society was an important course of government. Low-income sectors of society are focused on entrepreneurial activities in the field of agriculture, domestic and foreign trade. As a result, the conduct of the state program to improve the living conditions of citizens in the empire creates new entrepreneurial strata of society in rural areas and cities. They played an important role in the trade and economic development of the empire. We must carefully study this topic in the future; it has scientific and practical significance at the modern stage of reform.

Key words: Amir Temur, empire, entrepreneurship, social protection, trade.

XIV-XV асрларда Амир Темура салтанатида тадбиркорлик соҳасида муҳим ривожланишлар юз берган бўлиб, айнан бунда тараққиётга

давлат томонидан олиб борилган сиёсат ва ислохотлар муҳим муҳим таъсир кўрсатган.

Бизнинг назаримизда, қуйидаги омиллар Амир Темур салтанатида тадбиркорлик юқори даражада ривожланишига муҳим таъсир кўрсатган:

Амир Темур халқнинг бойиши давлат хазинасининг кўпайишига, хазинанинг тўлиши ҳарбий қўшиннинг жанговарлигига, бу эса давлат қудратининг сақланиб туришига сабаб бўлади деган тушунчага таянган. Шунинг учун ҳам у халқнинг тўқлигини таъминлашга ҳаракат қилган. Амир Темур фикрича, раиятни (халқни-Ш.Ў., М.И) хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағалланишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқоқлиги, ўз навбатида салтанатнинг кучсизланишига олиб боради[1,Б.85]. Демак, раият (халқ – Ш.Ў.)– хазина – лашкар Амир Темур сиёсатида муҳим учбурчак тушунча ҳисобланган.

Унинг назарида иқтисодий қудратнинг пойдевори – бу халқнинг тўқлиги саналган. Шунинг учун ҳам камбағал аҳолини иложи борица камайтириб, уларнинг ичидан лаёқатли ва идрокли кишиларни қўллаб-қувватлаш йўлидан борилган.

Бунинг учун биринчи навбатда солиқлар сиёсатида муҳим енгиликлар берилган.

Унинг “кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз қурса ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йил ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият (халқ) ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса (олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғсинлар” каби фармон ва буйруқларини “Тузуқлар”да учратиш мумкин.

“Темур тузуқлари”да келтирилган «сармояси қўлдан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайта тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилсин»[2,Б.85], - деган буйруқ давлат сиёсатида фоизсиз пул-кредит тизими мавжуд бўлгани, унинг заминида халқни иқтисодий йўналтириш сиёсати ётганини ангалш мумкин.

Бундай рағбат нафақат савдогарларга балки, миллати, элатидан қатъий назар деҳқон, ҳунарманд ва бошқа касб эгаларига, барча фуқароларга ҳам тегишли эди. Агарда қайси зироаткорнинг ерни экишга маблағи бўлмаса уларга турли асбоб ва керакли нарсалар берилган. Бу ҳақда «Тузуқлар»да «Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб берилсин»[3] -деган буйруқни учратиш мумкин.

Амир Темур салтанати даврида савдогарлар алоҳида нуфузли табақа ҳисобланган. Улар мамлакатнинг ички ва ташқи савдосининг ривожланишида муҳим таъсир кучига эга бўлганлар. Шу тўғрисида хусусий тадбиркорлар бўлмиш савдо аҳлига катта имтиёзлар яратилган. Давлат тарафидан кучли йўналтирилган иқтисодий сиёсат олиб борилгани боис, савдогарлар ўртасида ҳам табақаланиш юзага келган: халқаро савдо билан шуғулланувчи йирик тужжорлар, ички савдода муҳим ўрин тутувчи - ўрта ва майда савдогарлар. Бир тарафдан улар халқ эҳтиёжларини қондирсалар, иккинчидан, бошу солиқлар тўлаш орқали давлатнинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилганлар.

Савдогарлар орасида энг нуфузлиси тужжорлар бўлиб, улар асосан халқаро савдо ишлари билан шуғулланганлар. Бозорда савдо қилувчилар “аҳл-и бозор” деб юритилган, улар сотувчи савдогарлар, олиб сотарлар, чайқовчилар ва бошқа гуруҳларга бўлинган. Амир Темур савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун бозорлар, савдо расталари, тим ва равоқлар қурдирган. Демак, Амир Темур даврида янги бозорларнинг қурилиши ёки борларининг қайта таъмирланиши натижасида ҳам савдо-сотик ишларида муҳим ривожланишлар бўлганлигини кузатиш мумкин.

Амир Темур халқаро савдони иқтисодиётнинг қудрати деб тушунган ва ун аввалги даврлардан ҳам кўра кучайтиришга эътибор қаратган. Шу мақсадда Буюк Ипак йўли қайта таъмирланган, йўллар ва бекатларнинг аҳволи яхшиланган. Шу билан бирга бу йўлларда ўтувчи карвонларнинг хавфсизлиги таъминланган. Бу тадбирлар наинки шарқ, балки ғарб мамлакатлари билан савдо алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Амир Темур салтанатида ёшу-қари, эркаклар билан бир қаторда аёллар тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эди. Фикримизга бир мисол келтирмақчимиз: «Унинг (Амир Темурнинг-Ш.Ў., М.И.) сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннаҳрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хитой ва Хўтан чегарасидан Деҳли ва Канбайит атрофларигача, Боб ул-Авбобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ёқда турсин, болалару бева хотинлар ҳам ипакли матоли, олтин-кумуш ва энг зариф тижорат молларини келтирадилар ва олиб кетадилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир дониға ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамға ҳам зиён етказмайди[4, Б.20]». Демак халқаро савдо иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган.

Давлат тарафидан иқтисодий йўналтирилган сиёсат натижасида бу даврда феодал заминдорлар орасида ҳам турли табақаланишлар юз

берган. Улар орасида давлатга кўрсатган хизматлари эвазига “тархон” ёрлиғига эга бўлган кишилар катта нуфузга эга бўлган. “Тархон”лар ер солиғидан озод этилган, подшоҳ мажлисларида бемалол ўтирган, тўққиз мартагача гуноҳлари кечирилган. Хилда Хукхэм ҳатто “тархон”ларнинг юришларда, овларда қўлга киритилган ўлжалари ҳам ўзларигагина тегишли бўлиб, подшоҳ билан бўлишмаслик ҳуқуқига эга бўлганликларини айтиб ўтган. Уларга тадбиркорликда ҳам катта имтиёзлар яратилган[5, Б.72].

Баъзи йирик заминдор-феодаллар нафақат қишлоқда яшаганлар, шаҳарларда катта фойда келтирадиган дўконлар, устахона, ҳаммомлар, уйлар қуриб, уларни ижарага бериш эвазига катта фойда олганлар. Уларнинг баъзиларига қатор савдо расталари, карвонсаройлар қарашли бўлган. Бу омил эса Амир Темур салтанати даврида феодал жамиятнинг ривожланганидан, қишлоқнинг шаҳар ҳаёти билан яқинлашиб бораётганидан дарак берар эди.

Бу даврда ўрта ва кичик феодалларнинг ўзи ҳам эгаллаган ерлари, мулк ва бойликлари жиҳатидан юқори, ўртача ва пастроқ табақаларга бўлинган эди.

Бу даврда натура шаклидаги олди-берди муносабатларига анча путур етиб, товар пул муносабатлари ривожланиб борган.

Давлатда ҳунармандлар табақаси ҳам жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта рол ўйнаган. Ҳунармандларнинг тўқувчи, тикувчи, кандакор, новвой, темирчи каби ўнлаб турлари бўлиб, ишлаб чиқаришнинг катта салмоғи улар ҳиссасига тўғри келар эди. Амир Темур тарафидан қўлга киритилган турли давлатлардан Мовароуннаҳрга келтирилган ҳунармандлар бу соҳани янги сифат босқичи — яъни санъат даражасига кўтарганлар. Ҳунармандчилик соҳасида турли мактаб, услуб ва йўналишларнинг омухталлашиб, янгича санъат даражасидаги турлари пайдо бўлганини кузатиш мумкин. Бу омиллар мамлакатда ҳунармандчилик ишлаб чиқариши тараққиётига олиб келган, ички ва ташқи савдода бу соҳанининг ҳиссаси ортиб борган. Қуролсозлик, қоғоз ишлаб чиқариш, мато тўқиш ва бошқа соҳаларда Осиё минтақасида Мовароуннаҳр етакчилиги мавқеини сақлаб турган.

Амир Темур салтанатида солиқ тизимининг халқчиллигига алоҳида эътибор берилган.

Аҳолидан бир йилда бир марта солиқ йиғилган, баъзан халққа енгилликлар яратилган. Бунда аввало фуқаронинг моддий таъминоти муҳим ҳисобланган ва улардан солиқлар йиғишда барча имкониятлар ҳам инобатга олинган.

«Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда (хирожни) тузукка мувофиқ йиғсинлар, яна амр қилдимки, хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Чунончи, узлуксиз равишда кориз, булоқ ва дарё суви билан суғориладиган экин ерларни ҳисобга олсинлар ва ундай ерлардан олинган ҳосилнинг [учдан] икки ҳиссасини раиятга [учдан] бир ҳиссасини салтанат хазинаси учун олсинлар[6,Б.85]»,- дейилади «Тузуқлар» да.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, хирож ўша даврдаги нархга биноан нақд пул билан ҳам тўланиши мумкин эди. Агарда халқ учдан бир қисмга рози бўлмаса улар ихтиёридаги ер учта жарибга (1 жариб 3600 кв.газ-Ш.Ў.) бўлинган ва биринчи жарибдан уч ҳарвори (1 ҳарвори-103-150 кг), иккинчи жарибдан икки ҳарвори, учинчи жарибдан бир ҳарвори солиқ йиғиб олинган[7].

Агар бордию омма бунга ҳам рози бўлмаса, яна бошқа енгиллик яратувчи муқобил тўлов турлари таклиф этилган. Белгиланган тартибдан ташқари ҳеч қандай солиқ олишга йўл қўйилмаган[8].

Булардан ташқари кузги, баҳорги, қишки ва ёзги деҳқончиликдан олинган ҳосилнинг барчаси халқнинг ўзига қолдирилган. Ҳосил пишиб етилмай солиқ олиш маън этилган.

Бу даврда тадбиркорликнинг кенг кўламли ривожига сабаб бўлган омиллардан бири салтанатнинг 27 давлатни бирлаштирган йирик ҳудудда жойлашгани, барча йирик халқаро савдо йўлларининг шу ерлардан ўтганидир. Шу боис мамлакатда иқтисодий интеграция жадаллашиб борган. Амир Темур асрлар давомида Мовароуннаҳр ҳудудларидан ўтган, аммо мўғуллар даврида йўналишлари бирмунча бузилган Буюк Ипак йўлининг анъана ва йўналишларини қайтадан тиклади ва ривожлантирди. Буюк Ипак йўлининг энг сўнгги ривожланиш даври ҳам Амир Темур даврига тўғри келади.

Амир Темур даврида халқаро савдо-сотиқ алоқалари ривожлантирилиб, тадбиркорликка катта имкониятлар яратилди. Амир Темур кўпгина шарқ ва ғарб давлатлари раҳбарларига битган мактубларида ҳам аввало халқаро савдо-сотиқ ва тадбиркорларга катта имтиёзлар бериш лозимлиги ва давлат тараққиётига айнан хусусий тадбиркорлар катта таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтган.

Бунга тарихдан бир мисол: 1393 йил Амир Темур Бағдодга Миср волийсига Сова шаҳри машойихлари ва улуғларидан бир кишини элчи қилиб жўнатган эди. Соҳибқирон ҳар доимги одатига кўра элчи билан подшоҳона ҳадя ва туҳфалар жўнатди.

Элчилик мазмунига кўра, волийга давлатларнинг азалий дўстлиги, низолари ҳақида сўзлаб, ўз даврида Чингизхон наслидан номдор подшоҳ қолмаганлигини эслатади. Шундан кейин давлатларда тарқоқлик юзага келганлигини айтади ва ўзаро муносабатларда яхши бир таклиф киритади: «Сўнгра (тарқоқликдан сўнг-Ш.Ў., М.И.) ҳар турли тоифалар маликлари пайдо бўлди, жаҳон аҳволига шўришу нотинчлик йўл топди. Ва у илгариги қоидалар барқарор қолмади. Эндиликда вазифа шулки, ҳамсоялик (дўстлик) ҳаққига риоя қилиб, дўстлик этагини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб-келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин[9,Б.288-289]». Бундай мазмунга эга бўлган мактубларни манбалардан кўплаб келтириш мумкин.

Амир Темур Европа давлатлари билан дўстона дипломатик алоқаларини йўлга қўйди ва «мамлакат динсиз ерда туриш мумкин, аммо зулм бор ерда туролмайди» фалсафий тушунчасига таяниб, ғайридинларга нисбатан дўстона муносабатда бўлди ва уларни истиқболли ҳамкор сифатида қабул қилди. Ёзишмалардаги маълумотларга кўра[10, Б.72-82], у Европа давлатлари билан тез-тез элчилар алмашилиб туришни, шунингдек, мамлакат тараққиётига катта ҳисса қўшувчи савдогарлар яъни тадбиркорлар тоифасига катта имкониятлар яратишни кўзлаган. У мусулмон шарқидан ғарбга дўстона ниятда қўл узатган биринчи дастлабки давлат арбоби эди.

Амир Темур Европа ҳукмдорларига «Сиз савдогарлигимизни биз томонларга юборсангиз, токи биз уларни қизгин, барча иззатларни ўрнига қўйиб кутиб олайлик. Бизнинг савдогарларимиз Сиз томонларга борсалар ва уларга ҳам шундай иззат-икромлар кўрсатсалар. Майли улар ҳеч қандай хавф-хатарсиз, тўсиқсиз йўл юрсинлар.

Дунёни савдогарлар фаровон қиладилар, деган нақлни инкор этиш бефойда[11]», - каби хатларни юборган.

Мактуб мазмунидан англаш мумкинки, Соҳибқирон халқаро савдони ривожлантириш учун савдогарларга катта имкониятлар яратиш, уларнинг ҳуқуқларини кучайтиришга ва кафолатлашга кафил бўлган ва қиролларни бундай савобли ишга ундаган. Соҳибқироннинг бу хатти-ҳаракатларини олимлар дипломатияда «қўл чўзиш сиёсати» деб атамоқдалар[12, Б.76-77].

Амир Темурнинг Шарл VI га йўллаган яна бир мактубида уни ҳурматлаб «Сизнинг номингиз узоқ юртларга кетганлиги ва бошқа қироллар орасида обрўйингиз баланд эканлигини, бутун Шарқ тақводорлари, оғамиз Иоанн бизга сўзлаб берган эди», - дея уни улуғлайди.

Мактубдаги бу сатрлар Соҳибқироннинг гўзал дипломатик усулидан далолат беради.

Амир Темур ушбу мактубда «Мамлакатимиз ўртасида борди-келдини йўлга қўймоқ билан давлатларимизни зиёда қилишларини ва савдодан яхши фойда олишларини истаймиз. Дарҳақиқат, савдогарларингиз биз томонларда хавфсизлиги таъминланишини таъкидлаш жоиз[13]» деб яна аввалги таклифини, савдогарларнинг тинч-осойишталигини кафолатлашни ўз зиммасига олади. Амир Темур даврида биринчи марта ғарб ва шарқ савдо алоқалари масаласи расмий муаммо масала сифатида қўйилган.

Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳ ҳам бу анъаналарни давом эттиради. У христиан шоҳ ва шаҳзодаларга шу масадда мактуби йўллайди:

«Мироншоҳ Гурагоний, ушбу бизнинг сўзимиз, христиан эътиқодидаги ичидан саралаб олганларимиз, Қодири таолонинг назари тушганлар, христиан Француз шоҳлари ва шаҳзодаларига саломлар йўллаймиз. Қалбимиз биродарлик ҳисларига тўлиб, Сизларга шуни маълум қиламизки, агар Сизлар ҳоҳиш билдириб, биз томонларга келсангизлар, истакларингизни бажо келтурурмиз[14, Б.78]».

Мироншоҳ Мирзо ўз ҳамкорларини ўз юртига келишга чорлаб уларнинг истакини бажо келтириш, уларга яратилажак имкониятлар ва кафолатлари ҳақида сўз юритган.

Айниқса, унинг хатидаги бир эпизод темурийлар давлатчилиқ ғоясини теранроқ тушуниб етишимизга ёрдам беради. Мироншоҳ Мирзо «Савдогарларга келсак, истардикки, Сизнинг савдогарларингиз бизнинг юртларда, бизнинг савдогарлар сизларнинг юртларингизда хавф-ҳатарсиз, ҳозиргидек юрсалар. Ниҳоят, агар эътиқодимизда фарқ бўлса ҳам, барибир барчамизнинг манфаатларимиз йўлида дўстликни авайлашимиз даркор[15]».

Мироншоҳ Мирзо эътиқодларидаги фарқ тараққиётга тўсиқ бўлмаслигини, фаровонлик тафовутлардан устун туришини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Амир Темурнинг дипломатияда энг мақбул йўлларнинг танланиши давлат сиёсатининг мукамал даражада олиб борилганлигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида миллий давлатчилиқ асосларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнаган. У ташқи муносабатларда миллатидан қатъий назар инсонни қадрлаш, ҳамкорлик, тинчлик ва тараққиётни олға суради.

Темурийлар орасида Шоҳруҳ мирзо ҳам қўшни давлатлар билан муваффақиятли дипломатик ёзишмалар олиб бориб, уларда ушбу мақсадларни баён этган.

Хитой императорига йўллаган мактубида у ҳоқонни кўп худоликни йўқотишга, савдо аҳлига имкон яратишга фуқаролар фаровонлигини таъминлашга чақиради.

Бу ҳақда бир мактубда шундай дейилган: “бу паст дунё ва салтанати бақосига ҳукумат ва сиёсатининг давомли бўлишига, ҳаққонияту тўғрилиқни қўллаб-қувватлаш ва ҳайру савоб умидида ер юзасидан кўп худолигу кофирлик зарарларини йўқотиш билангина эришиш мумкинлиги туфайли у (ҳоқон Дой-Минг) тарафидан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, шариатнинг маъмур қоидаларини мустаҳкамлашда бизга шериклик қилсалар ҳамда элчилар ҳам ҳабарчилар юбориб турсалар. Сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва якдиллик воситалари қувват топса (бинобарин) мамлакатлар атрофларидаги халқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса[16, Б.123]».

Шоҳруҳ Мирзо бу мақсадларига ҳамкорлик воситасида эришишга, Амир Темур каби тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интилган.

Албатта бу алоқаларни жонлантириш ва рўёбга чиқаришда Буюк Ипак йўли катта стратегик аҳамиятга эга бўлиб, жумладан у ҳалқаро кўприк вазифасини ўтаган.

Соҳибқирон Буюк Ипак йўлини мустаҳкамлаш орқали ўз давлати ва қўшни давлатларнинг муодофаа ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадларини амалга оширишга ҳам ҳаракат қилган. Амир Темур замонида давлатларнинг туташ минтақаларида йирик божхоналар барпо қилинди. Булардан бири Кавказ тоғ тизмаларининг Каспий денгизига жойлашган ерида жойлашган. Дарбанд божхонаси, иккинчиси ҳам шу ном билан аталиб, Самарқанд билан Балх ўртасида жойлашган Шахрисабздан икки кунлик масофада барпо этилган. Ана шу божхоналар марказий хазинага ҳар йили жуда катта миқдорда маблағ ўтказар эди.

Буюк Ипак йўли орқали Амир Темур нафақат муодофаа, тинчлик барқарорлик, яхши қўшничилик ва савдо-иқтисод алоқаларини ривожлантирган, балки геосиёсий мақсадларини ҳам амалга оширган. Ҳали денгиз йўллари очилмаган даврда ягона алоқа воситаси бўлмиш Буюк Ипак йўли ҳалқаро майдонда катта аҳамият касб этган ва қайси давлат бу йўлда сарбонлик қилса, у катта иқтисодий ва сиёсий имкониятларга эга бўлган.

Тарихдан маълумки, Буюк Ипак йўлига сарбонлик қилиш учун катта курашлар кетган ва унинг бизнинг давлатимиздан ўтган катта тар-

моғи хатто шимолга кўчирилган (Турк хоқонлиги, мўғуллар даври).

Соҳибқирон Амир Темур Буюк Ипак йўлини ҳар қандай шароитда ҳам қўлга олиш ва назорат қилишни муқаддас тушунча, тараққиёт ва хавфсизлик гарови деб билган.

У тадбиркорликка имтиёзлар яратиш ва уларнинг фаолиятларини кафолатлаш мақсадида Буюк Ипак йўлининг иш фаолиятини бир маромга солиб, ҳар бир бекатга алоҳида нигоҳбонлар тайинладики, натижада карвонларнинг бир манзилдан иккинчи жойга бехатар етиб бориши таъминланди. Соҳибқирон карвон йўлларида кимда-ким зарар кўрса бундай ҳуқуқбузарликларга жавобгарликни шу ҳудудларнинг ҳоким ва бошқа маъмурларига юклади. Зарарни амалдорлар ҳиссасидан ундириш қонунининг жорий этилиши ҳалқаро савдо йўлидаги ҳуқуқий кафолатлардан бири бўлиб қолди. Агарда кимнинг моли ўғирланса шу ернинг ҳокими тўққиз баробар миқдорида жарима тўлаган, икки ҳиссаси мулк эгасига, етти ҳиссаси давлат пойтахти Самарқандга юборилган.

Бу қонуний асослар тадбиркорларнинг карвон йўлларида бемалол бошқа давлатларга сафар қилишларига имкон берган.

Бу даврда 12000 чақирим узунликдаги Буюк Ипак йўли орқали кўплаб шарқ давлатлари билан ҳар томонлама алоқалар ўрнатилди. Шунингдек, Буюк Ипак йўлининг Ўрта ер денгизига чиқиши орқали Фарбий Европа давлатлари билан ҳам узвий савдо-иқтисодий ва дипломатик алоқалар ўрнатилди.

У ҳалқаро муносабатларни ривожлантириш орқали интеграция жараёнларида илк бир саҳифа очди. Унинг 27 давлатни бирлаштирган салтанатида ягона пулнинг муомалада бўлиши, тадбиркор-савдогарларга кенг имтиёзлар яратилиши, насроний ва ислом дунёсининг иқтисодий айирбошлашига имкон яратилиши ўша даврнинг энг катта воқеаларидан бири эди.

Умуман олганда, Амир Темур салтанатида тадбиркорликнинг ривожланишига кўплаб омиллар таъсир кўрсатган бўлиб, улар кейинги тадқиқотларда яна ҳам кенгроқ ўз аксини топади, деган умиддамиз.

Амир Темур томонидан олиб борилган тадбиркорлик сиёсатининг ва унинг оқибатида рўй берган жараёнларнинг бугунги кундаги амалий аҳамияти ҳам катта бўлиб, бу бебаҳо тажрибалар бугунги ислохотларни такомиллаштиришда муҳим асос вазифасини бажариши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1] Темур тузуклари / Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Б.Аҳмедовники. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.85. (Translated

from Persian by Alikhan Soguni and Habibullo Karomatov. Foreword and comments, general editorial is by academician B.Ahmedov. - Tashkent: Literature and Art, 1996. - B.85.).

[2] Темур тузуклари...-Б.85.

[3] Ўша жойда (ibid).

[4] Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.20. (Nizomiddin Shami. Victory / Translators from persian Yunusxon Khakimjonov. The editor and responsible editor for the translation prof. Asomiddin Urinbaev,. - Tashkent: Uzbekistan, 1996.- B.20.

[5] Хукхэм Хильда. Властитель семи созвездий. Перевод с английского Г.Хидоятова. - Ташкент: Адолат, 1995. - С.72. (Hookham Hilda. Lord of the seven constellations. Translation from English G. Khidoyatova. - Tashkent: Adolat, 1995. – P.72.)

[6] Темур тузуклари... –Б.85.

[7] Ўша жойда (ibid).

[8] Ўша жойда (ibid).

[9] Низомиддин Шомий (Nizomiddin Shami.)... –Б. 288-289.

[10] Керен Л., Саидов А. Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари / Амир Темур ва Франция. - Тошкент: Адолат, 1996.... – Б. 72-82. (Keren L., Saidov A. Diplomatic Correspondence of Amir Temur / Amir Temur and France. - Tashkent: Adolat, 1996 – Pp. 72-82.)

[11] Ўша жойда (ibid).

[12] Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция ... – Б.76-77. (Keren L., Saidov A. Amir Temur and France Pp 76-77.)

[13] Ўша жойда (ibid).

[14] Амир Темурнинг ўғли Мирзо Мироншоҳнинг христиан шоҳ ва шаҳзодаларга йўллаган мактуби / Амир Темур ва Франция ... – Б. 78. (The letter of Amir Temur's son Mirzo Mironshoh's to Christian kings and princes / Amir Temur and France ... - P. 78.).

[15] Ўша жойда (ibid).

[16] Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. -Б. 123. (Buriev O. Central Asia in the written sources of the Timurid's period. – Tashkent: Uzbekistan, 1997. – P.123.)